



СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

“МЕҲР-САХОВАТ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда бутун инсоният қатори кўп миллатли халқимиз ҳам коронавирус пандемияси оқибатида юз берган оғир синов ва қийинчиликларга қарши сабот-матонат билан кураш олиб бормоқда.

Ушбу улкан офатнинг мамлакатимиз ҳаётига салбий таъсирини юмшатиш, фуқаролар саломатлигини асраш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар самарасини бермоқда. Мана шундай мураккаб ва тахликали вазиятда мард ва жасур, олижаноб халқимиз янада жипслашиб, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва аҳиллик каби юксак инсоний фазилатлар соҳиби эканини яна бир бор амалда намоён этмоқда.

Глобал пандемия ҳамда турли табиий офат ва фавқулодда ҳолатларга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борадаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этаётган, беғараз ҳомиёлик ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан барчага ўрнак бўлаётган юртдошларимизни муносиб тақдирлаш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш соҳасининг жонкуяр вакиллари, саховатли тадбиркорлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг фидойи ходимлари ҳамда бошқа ташаббускор ва фаол фуқаролар “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан мукофотлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика ташкилотлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган рўйхатларни кўриб чиксин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига “Меҳр-саховат” кўкрак нишонларини топширишга бағишланган тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

“МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6038-сон Фармонида мувофиқ кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож одамларга кенг қўламли ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намоён этган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини давом эттириш ҳамда моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг болаларини қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида:

1. 2020 йилнинг сентябрь ойида аҳолининг кўйидаги қатламларига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилсин:

моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатлари (“темир дафтар”)га киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига; боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига; ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган бир марталик моддий ёрдам миқдори ҳар бир 16 ёшга тўлмаган бола учун 500 минг сўм этиб белгилансин.

3. Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг республикадаги барча бошланғич, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимларини марказлашган тартибда 2020 йил 1 октябрга қадар белул грипга қарши эмлаш ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар бир таълим ва соғлиқни сақлаш муассасасига борган ҳолда ходимларни эмлаш ўтказишни ва тегишли соғлиқни сақлаш муассасаларини вакцина ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарорда белгиланган бир марталик моддий ёрдам ва ходимларни эмлаш учун зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6038-сон Фармонида назарда тутилган ҳамда бошқа қўшимча манбалар ҳисобидан ажратсин.

5. Мазкур қарорда назарда тутилган маблағларнинг ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларга мақсадли ва манзилли етказилиши юзасидан:

Молия вазирлиги хузуридаги Пенсия жамғармаси — боқувчисини йўқотган оилаларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга моддий

ёрдам пулларининг пенсияларни (нафақаларни) тўлаш учун белгиланган муддатда манзилли етказилишини ташкил этиш бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг худудий бўлинмалари раҳбарлари — моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига (“темир дафтар”) киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостлари шакллантирилиши ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича;

Молия вазирлиги — зарур маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маҳаллий бюджетларига ўз вақтида ажратилиши бўйича;

Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда — моддий ёрдам маблағларини тарқатиш учун нақд пул билан таъминлаш бўйича масъул этиб белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров, Б.А.Мусаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 август

Эксклюзив интервью

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ КУН ТАРТИБИ



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз КОМИЛОВ билан юртимизнинг ташқи сиёсатдаги ютуқлари ва устувор йўналишлари юзасидан суҳбатлашдик.

— Ҳозирги замонда глобал миқёсда шиддатли ўзгаришлар юз бермоқда, халқаро майдонда кучларнинг янги нисбати шаклланимоқда. Шу билан бирга, халқаро майдонда янги таҳлиқалар пайдо бўлмоқда ва бу ҳолат дунё давлатларини юзага келаётган муаммоларга муносиб ечим топиш, сиёсий ва иқтисодий стратегияларни янгилашга мажбур қилмоқда. Ушбу жараёнлар Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонга ҳам дахл қилмай қолмайди. Айтинг-чи, бу

ўзгаришлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор жиҳатларининг барқарорлиги ва босқичма-босқичлиги, унинг асосий йўналишларини ўз ўрнига қўйишга қандай таъсир этмоқда? — XXI аср глобал тенденцияларининг мамлакатимиз ташқи сиёсати устувор йўналишларига таъсири муҳим масала бўлиб, шубҳасиз, у Ўзбекистон дипломатиясининг кун тартибидо доимо долзарбдир.

▶ Давоми 4-5-бетларда

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ: ОДАМЛАР ОРЗУ-УМИДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ЭЗГУ МАҚСАДДИР

ГУЛ САЙЛИДА ЯШНАГАН
ШАҲАР

“Мен қачонки гўзал ва бетакрор Наманган заминига келсам, бу ердаги кўча ва хиёбонлар, майдонларда яшнаб турган гул-чечакларни, сўлим ва ораста манзилларни кўриб, очиги, баҳри дилим очилиб кетади, — дея таъкидлаган эди Президентимиз Наманганга ташрифи чоғида. — Нега деганда, гулу райҳонни, гўзалликни яхши кўрадиган ва шундай ободликни ўз кўли билан яратадиган одамларнинг қалби ҳам гўзал бўлади”.

Ҳа, Наманган деганда киши кўз ўнгида турфа гуллардан дасталанган гулдаста мисол чаманзор шаҳар намоён бўлади. Нафосатга ошно бу гўшадаги қай бир ҳовлига кирманг, даставвал нигоҳингиз муъжазгина гулзорга тушади. Кўча бўйлари, корхона, ташкилот, муассасалар атрофи ҳам анвойи гулу чечакларга бурканган. Севимли шоримиз Муҳаммад Юсуф таъбири билан айтганда, “Қайга борсанг ёғар гул, одамлари дарё дил”.

▶ Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил «26» августдаги ПҚ-4814-сон қарорига илова

“Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Рахимбаев Отабек Давлатбаевич — Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Сержанов Памир Оралбаевич — Нукус шаҳридаги “Оралбай Нукус” оилавий корхонаси раҳбари (Қорақалпоғистон Республикаси)

Абдухалилов Мирзохид Вохиджон ўғли — Андижон машинасозлик институтининг 4-босқич талабаси (Андижон вилояти)

Комилов Алишер Абдуманноб ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти илмий ходими (Андижон вилояти)

Джуроев Феруз Хамроевич — “Хунарманд” уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси аъзоси (Бухоро вилояти)

Норбоев Жаҳонгир Жўрабек ўғли — Пешку туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

Турсунов Бекзод Акбар ўғли — Тошкент архитектура-қурилиш институти таянч докторанти (Жиззах вилояти)

Халилов Равшан Қахрамон ўғли — Тошкент давлат аграр университетининг 1-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Қодиоров Фаррух Эргаш ўғли — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали 1-босқич магистранти (Қашқадарё вилояти)

Очилов Мухриддин Тўлқин ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси (Қашқадарё вилояти)

Хайдаров Сухроб Суранбаевич — Навоий шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси (Навоий вилояти)

Эгамов Хусен Эркинвич — Тошкент тиббиёт академиясининг 1-босқич талабаси (Навоий вилояти)

Абдухалилов Фаррух Шухратжон ўғли — Янгйқўрғон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач-эпидемиологи (Наманган вилояти)

Салойдинов Сардоржон Қодиржон ўғли — Тошкент давлат техника университетининг 1-босқич магистранти (Наманган вилояти)

Нуруллаев Ҳасан Жўрабек ўғли — Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

Шарипов Расул Шокир ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари взвод командири (Самарқанд вилояти)

Усмонов Жасур Ботир ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Ҳарбий-техник институти таянч докторанти (Сирдарё вилояти)

Эшбеков Азизжон Махмуджон ўғли — Мирзаобод туманидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси (Сирдарё вилояти)

Лутфиллаев Шарафуддин Рустамович — Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 3-босқич талабаси (Сурхондарё вилояти)

Сапаров Олим Насимович — “Ёшлар — келажакимиз” жамғармасининг Термиз шаҳар филиали раҳбари (Сурхондарё вилояти)

Иўлдашбоев Бобуржон Дилшоджон ўғли — Паркент туманидаги “Modern education” интеллектни ривожлантириш маркази директори (Тошкент вилояти)

Шоюнусов Сарвар Икром ўғли — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Ахаджонов Асилбек Абдусалом ўғли — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-босқич талабаси (Фарғона вилояти)

Имомов Жасурбек Ахроржон ўғли — Ўзбекистон Миллий университетининг 1-босқич талабаси (Фарғона вилояти)

Бобожонов Раҳматжон Алишер ўғли — Тошкент шаҳридаги “Китоб дунёси” газетасининг ўзбек адабиёти бўлими муҳаррири (Хоразм вилояти)

Яқуббоев Нодирбек Муродбек ўғли — Ўзбекистон Миллий университетининг 1-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Мамажонов Муҳиддин Мўйдинжон ўғли — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассис-ўққчиси (Тошкент шаҳри)

Мустафин Владислав Альфредович — Сузиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси (Тошкент шаҳри)

Муносабат

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНА БИР ҚАДАМ

Дилшод СУЛТОНОВ,
молия вазири ўринбосари:

— Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож одамларга кенг кўламли ижтимоий ёрдам кўрсатилган эди.

Бугунги қарор билан моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг болаларини кишки кийим-бош тўплалари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш учун бир марталик моддий ёрдам ажратилмоқда.

Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, биринчи тоифага моддий ёрдам ва кўмакка муҳтожлар рўйхатларига (“темир дафтар”) киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болалари, иккинчи тоифага боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болалари, учинчи тоифага эса ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болалар киритилган.

Яъни бунда 16 ёшга тўлмаган ҳар бир бола учун 500 минг сўмдан моддий ёрдам ажратилади. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, мазкур маблағлар 810 мингдан ортиқ болага тарқатилади.

Шухрат ДАВРОНОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси директори ўринбосари:

— Мазкур ҳужжатда белгиланган бир марталик тўловлар пенсия ва нафақалар тарқатиладиган муддат билан бир вақтнинг ўзида берилди. Яъни ушбу турдаги бир марталик тўловлар пенсия ва нафақалар миқдорига қўшиб тақдим этилади. Хусусан, нақд пулда пенсия ва нафақа олувчиларга ўша маблағлар пенсияларига қўшилган ҳолда Халқ банкининг худудий филиаллари томонидан манзилларига етказилади. Пластик картада олувчиларнинг эса пластик карталарига ўтказиб берилди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Президентимиз қарориде кўрсатиб ўтилганидек, бир марталик моддий ёрдам учун зарур маблағлар давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувват-

лашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида назарда тутилган ҳамда бошқа қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Пенсия жамғармаси боқувчисини йўқотган оилаларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга моддий ёрдам пулларининг пенсияларини тўлаш учун белгиланган муддатда манзилли етказилишини ташкил этиш, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтожлар рўйхатларига (“темир дафтар”) киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомстволарини шакллантирилиш ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиmlари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича масъул ҳисобланади.

Эътироф

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ:

МАСАЛАГА УСТУВОР АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛМОҚДА

Жорий йил 17 августда Президентимиз раислигида хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Мамлакатимиз тарихида илк марта бундай форматда муҳокама қилинган ушбу масала нафақат халқимиз, балки халқаро жамоатчиликда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Қўйида бир қатор хорижлик экспертларнинг шу ҳақдаги фикрлари билан танишасиз.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,

ҳуқуқ ҳимоячиси, Россиядаги “Саховат” фонди ижрочи директори:

— Мана, 12 йилдан ошдики, Россияда ҳуқуқ соҳасида хизмат қилиб келяпман. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида ташқи миграция масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари олдида қўйилган вазифалар билан танишиб, тўғриси, миграция масалалари билан шугулланувчи ҳуқуқшунос сифатида жуда қувондим.

Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга қулайликлар яратиш, уларнинг яшаш, ишлаш шароитларини яхшилаш борасида кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилса, бу ишга барча мутасадди ташкилотлар, тегишли вазирлик ва идоралар бош қўшиб, ўз вазифаларини виждонан, тўла-тўқис бажарса, биз миграция соҳасида мутлақо янгича манзарага гувоҳ бўламиз. Шундагина бу соҳа бугунги цивилизация шартларида мис, инсонпарварликка асосланган тарзда ривожлана бошлайди. Хусусан, айна жараёнда таълим дастурларининг бажарилиши ҳам малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилади.

Мен мазкур селектор йиғилишини мутлақо ўзига хос тарзда, мисли кўрилмаган даражада ўтганини таъкидламоқчи эдим. Нима учун? Мен ҳеч қачон бирор масалага бағишланган йиғилишда мавжуд муаммоларни ҳал этишга бу

даражада кўп давлат идоралари жалб этилганини ёки мутасаддилар олдида бу даражада кенг қамровли, кўлаб стратегик вазифалар қўйилганини кўрмаганман.

Ҳозир биз бир нарсани тўғри англаб етишимиз керак. Бутун дунё пандемиядан кейинги мураккаб даврга кириб келяпти. Барча давлатларда, ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни камайтириш масалалари ўта долзарб муаммога айланган. Шу маънода, Ўзбекистон ҳукумати Президент бошчилигида айнан шу масалага бугунги кунда устувор аҳамият қаратаётгани диққатга сазовор.

Айтмоқчиманки, Ўзбекистонда бу борада дастлабки далил қадам қўйилди, изчил механизм ишлаш бошлади. Шу билан бирга, бу фақат ишнинг бошланғич эканини ҳам тушуниш керак. Яна бир муҳим жиҳат. Президент масалага жуда қуюнчақлик, ҳис-ҳаяжон билан ёндашяпти. У бугунги кунда хорижда меҳнат қилаётган ҳамюртларимизни замонамиз қахрамонлари, деб атаяпти. Буни мулозимларга, турли даражадаги раҳбарларга қаратилган жиддий қаҳриқ сифатида қабул қилиш лозим. У барчадан ушбу масалага янгича ёндашишни талаб қияяпти. Сабаби, энди мигрантларга нисбатан кишилар он-гда сунъий равишда шакллантирилган аввалги муносабатни замон кўтармайд.

Умид қиламизки, Президент белгилаб берган юксак маррани қадим мутасаддилар яхши англаб етиб, олдинда турган вазифаларни бажариш учун барча зарур чоралар қурилади.

Наргиза МУРАТАЛИЕВА,

эксперт, сиёсий фанлар номзоди, “Cabar.asia” наشري тахлилий материаллар муҳаррири:

— Тан олиш керак, коронавирус пандемияси жуда кўп жабҳалар қатори миграция соҳасидаги муаммоларни ҳам юзага чиқарди. Аниқроқ айтганда, Марказий Осиё давлатларининг муҳожирикдаги айрим фуқаролари эпидемия даврида қийин вазиятга тушиб қолгани яққол кўринди. Тахлилларга қараганда, Қирғизистон мигрантларга юборилган пул ўтказмалари бўйича жаҳонда етакчилардан ҳисобланади. 2019 йил якунларига кўра, қирғизистонлик меҳнат муҳожириларига йўналтирилган маблағ жами давлат қарзининг қарий 30 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистон ҳақида гапирадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 2,5 миллионга яқини мамлакат ташқарисидан ишлайди. Бу иқтисодий фаол, яъни меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг тахминан 20 фоизига тенг. Кўришиб турибдики, миграция билан боғлиқ масалалар, юзага чиқаётган муаммолар Қирғизистон учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам жуда долзарб.

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиман. Сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуси билан соҳада амалга оширилётган ислохотлар, хусусан, чет элларда меҳнат қилаётган ўз фуқаролари аҳолини яхшилаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратишнинг таъминлаш борасидаги самарали ва ижобий тажриба бошқа давлатлар, чунончи, Қирғизистон учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Масалан, ҳуқуқ тарихида Бош

вазирнинг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий қилиниши Ўзбекистон учун соҳада жуда жиддий сиёсат юритаётганидан далolat. Қолаверса, Ўзбекистоннинг яна бир фойдалани ташаббуси — хорижий давлатларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш фонди тузилгани ҳам эътирофга лойиқ.

Ушбу жамғарма олдида қўйилган мақсадларни бажариш учун 100 миллиард сўм атрофида маблағ ажратилган. Бундан ташқари, мигрантларга 10 миллион сўмгача миқдорда кам фоизли кредитлар бериш ҳам режалаштирилляпти. Мазкур маблағлар йўлқира харажатлари, патент ва суғурта билан боғлиқ тўловларни қоплашда асқотади.

Яна бир муҳим ташаббусни кўпчилик илиқ қабул қилди. “Олтин дафтар” деб номланган ягона маълумотлар базасига хорижда муваффақиятли фаолият юритаётган ўзбекистонликлар қўшилди. Бу инсонлар келажакда мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритиш имкониятига эга тажрибали мутахассислар — хориждаги обрўли олий ўқув юрталари профессорлари, халқаро ташкилотлар ва компаниялар ходимларидир.

Менимча, улар ўз меҳнати, салоҳияти, қобилиятини нафақат ҳозир истиқомат қилаётган давлати, балки ўзлари туғилиб ўсган Ватани ривожий йўлида ҳам сарфлашга тайёр эканига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

ҚАРОРГА МУВОФИҚ, 2020 ЙИЛ 1 НОЯБРАДАН:

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлари харидларининг мақсадга мувофиқлиги ҳар чоракда кузатув кенгашлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади;



Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар бўйича тендер (танлов) иштирокчилари тақлифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларнинг СІР (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади.

2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРдан стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар учун товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишнинг алоҳида тартиблари бекор қилинади.



2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРдан хорижий мамлакатларда хавфли маҳсулотлар ҳақида тезкор хабар бериш ахборот тизимига киритилган маҳсулотларни “эркин муомалага чиқариш учун” божхона режимига расмийлаштириш тақиқланади.

2020 ЙИЛ 1 НОЯБРга қадар cooperation.uz порталида республикада ишлаб чиқарилаётган барча товарлар (ишлар, хизматлар)нинг техник кўрсаткичлари 10 та рақамли ТИФ ТН коди ва ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ маълумотлари билан биргаликда жойлаштирилади.

2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАча давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг умум қабул қилинган тамойиллари (PIMA) асосида марказлашган инвестициявий лойиҳаларни тўлиқ ва узлуксиз мониторинг қилиш тизими жорий қилинади.

Қарор билан, Давлат харидлари субъектларининг харид тизимини аудитдан ўтказиш жадвали тасдиқланди.

Шунингдек, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (янги таҳрирда) ишлаб чиқилади.



Бошланчи 1-бетда

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ:

ОДАМЛАР ОРЗУ-УМИДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ЭЗГУ МАҚСАДДИР

Истиқлол йилларида шаҳар қиёфасини ўзгартириш, инфраузеллини янгилаш орқали аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан бошланган кенг қўлмали тадбирлар Наманганнинг ҳуснини янада охирига юборди. Наманган мамлакатимизнинг бой тарихи, ранг-баранг маданияти ва, албатта, иқтисодий жиҳатдан қудратли салоҳиятга эга вилоятларидан бири. Кейинги йилларда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси кун сайин ўзгариб, ободлашиб бормоқда, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалмоқда. Тўрт йил аввалги Наманган билан бугунгисини асло солиштириб бўлмайди.

Ҳозир вилоятда жами 2 миллион 834 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, бу Наманган аҳлининг шунча қайфияти, турмуш тарзи, ташвиш ва қувончлари, дегани.

Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги — қутлуғ айём шукҳи кезиб юрган айни давларда йилдан йилга кадр ортаётган буюк озодликнинг ҳаётимизда тутган ўрни наҳадан муҳимлигини тيرانроқ ҳис этмоқдамиз. Қайси бир юрtdошимиз билан суҳбатлашманг, уларнинг юз-кўзидан ва сўзидан фарх-ифтихор, шўқронлик туйғулари ўз ифодасини топанганига гувоҳ бўламиз. Наманганни ҳақиқий Наманган қилган ҳам унинг кўпни кўрган, меҳнаткаш ва пок ниyatли халқидир. Қизғин фаолият самаралари эса бутун буй-бастини дунёга баралла намён этиб турибди.

Ҳар бир ҳудуднинг ўзигагина тегишли анъаналари борки, шу маънода гуллар байрами дунёнинг санокни давлатларидagina учрайди. Гуллар шаҳри сифатида машҳур Наманганда ҳам гул байрами доимий равишда ўтказилиши, энг аввало, барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

— Олдинги йили уюштирилган гулдор автомашиналар паради ҳали хаёлимдан кетгани йўқ ва ўша лаҳзаларни беҳад кўсайман, — дейди гулчи Азизбек Маммажонов. — Сайлга чет элдан ва республикамизнинг турли жойларидан юзлаб меҳмонлар ташриф буюрганди. Бу йил эса олтиминчи бор кенг нишонланиши кутилаётгани, тайёргарликлар авжида эди. Лекин бутун дунёдаги пандемия туйғайли катта маросим кейинга қўйрилди.

Гул терапияси, ўсимликлар билан даволаш, унинг инсон руҳиятига ижобий таъсири тўғрисида зшиттанис, албатта. Карантин шароитида ҳамюртларимиз учун онлайн хизматда турдик. Вилоят марказидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ёнида шинамгина замонавий гул дўкони очганман. Гулсеварлар интернет орқали биз билан боғланиб, истаган гулларини буюртма қилишди, дарров етказиб бердик. Наҳора, савдо-сотикни масофадан йўлга қўйдик, ахир гулларни қаровисиз қолдириб бўлмайди ва даромад ҳам топиш керак. Парвариллаш сир-асрорларини масофадан ижтимоий тармоқлар орқали ўргатиб бордик.

Наманганлик шоира Дилбар Бону бултур аjoyиб айём ҳаяжонини "Тўлга ўраб ҳамма ёғини, гуллаётган Намангандир бу!" дея назмга солганди.

ТАРИХИ ДУНЁГА ТАРАЛГАН ВОҶА

Одамлар ўзлари учун муносиб турмуш шароити яратилаётганини нафақат вилоят ёки туман маркази, балки чекка қишлоқлардаги қулайликлар мисолида ҳам чуқурроқ ҳис этишмоқда. Масалан, давлатимиз



раҳбарининг алоҳида эътибори билан Тўрақўрғон тумани маркази яқини қўраб ҳавас қиладиган масканга айланди. Бу ерда маърифатпарвар алома Исҳоқжон Ибрагимов бундан бир юз йилгирма йил аввал амалга оширган эзгу ишларнинг эътирофи сифатида мухташам мезморал мажмуа барпо этилган. Ундаги кўркам боғ ва хиёбон, хорижий тиллар мактаби, музей ва бошқа қатор иншоотлар шаҳар қиёфасини тамоман ўзгартириб юборди.

— Бугун Исҳоқжон Тўра Ибрагимовнинг орзулари ушладди. Унинг тарихий аҳамиятга молик сазъ-ҳаракатлари инобатга олиниб, хотираси абадийлаштирилди. Зеро, фидойий зотлар ҳаммиса барҳаётдир. Ибрагимов илк мактабни, янги усулдаги мактаб асосини сифатидаги бемисл меҳнатлари тахсинга сазовор. У 1908 йилда Оренбург шаҳридан литографик машина харид қилиб, минг машаққатлар билан Наманганга олиб келган ва Исҳоқжон бошқарушида асос солган. Мазкур бомахонада ўтган асрнинг 60-йилларида қадар турли илмий-маърифий китоб ва рисолалар,

"Туркистон вилояти газети", "Садои Туркистон", "Садои Фаргона" сингари газеталар чоп этилган. Унинг эл-юртимиз тараққиёти йўлидаги хизматлари нафақат ўз даврида, балки ҳозир ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда. Шундай буюк аждоғи борлиги билан наманганликлар ҳар қанча фарҳанса арзийди ва ёшларимиз ҳам шунга муносиб бўлишлари даркор, — дейди Тўрақўрғон тумани ҳокимлигининг "Давр" газетаси муҳаррири Зоҳиддахон Кенжаева.

Яна бир муҳим маълумот. Меҳмонлар қадами узилмаётган Аҳсиқент Фарғона водийсидаги энг катта археологик ёдгорлик. Шаҳар эрамиздан аввалги III асрда ташкил топган бўлиб, 1621 йилги zilзилада вайронга айланган. Фарғона водийсининг энг қадимги пойтахти, сиёсий, маданий, иқтисодий маркази ҳамда буюк ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири эди. Аҳсиқентда қуроллар ишлаб чиқарилади. Фарғона водийси қуроллари билан машҳур бўлган, ҳозирги Чуст ва Шаҳрихон пичоқлари шунинг давомидир...



Туманда намунали лойиҳа асосидаги турар жой биноларидан таркиб топган маҳаллалар, 1000 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган интенсив гилос боғлари, халқаро андозлар талабига мослаб қайта қурилган автомобиль йўллари, янги мактабгача таълим муассасалари қўнгиллари ёрулик олиб киради.

Наманган тумани маркази — Ташбулоқ шаҳарчаси йўлининг икки томонида қад ростлаган кўп қаватли уйлар, тўла реконструкция қилинган автомобиль йўли, машиий хизмат ва сервис йўналишидаги иншоотлар билан янада кўркамлашди. Чортоқни экошаҳарга айлантиришга киришилгани дилини яратадиган иш бўлди. Султон Увайс Қараний зиёратгоҳининг овозаси эса худди Самарқанду Бухоро ҳамда Хиваю Ташкент сингари дунёга таралмоқда. Яқин вақтгача асосий майдонни чўллардан иборат бўлган Поп, Чуст, Мингбулоқдаги янгилинишларни дoston қилса арзийди. Норин, Уйчи, Қосонсой, Янгиқўрғон, Учқўрғон туманларидаги қатор ўзгаришларни айтмайсизми. Бунёдкорликнинг турли шакл ва кўринишлари жами туманларда кўзга ташланади ва улар аҳоли турмуш тарзининг юқори поғонага кўтарилганидан дарак беради.

КУЧ-ҚУДРАТ ВА БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИАТИ

Биз жаҳонга юз тутяпмиз, кундалик ҳаётимиз, иш, ўқиниш, дам олиш шароитларимиз ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Наманган шаҳрининг Ғирвонсой даҳасидаги "Афсоналар водийи" деб номланган йирик лойиҳа шиддат билан бажарилмоқда. Лойиҳаси Туркиянинг машҳур "Dome+Partners" компанияси томонидан чизилган. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган маданият ва истироҳат мажмуаси 116 гектар майдонда жойлашган бўлиб, унинг тарихидан очик ва ёпик акваларлар, 30 дан зиёд аттракцион ва Наманган учун янгилик бўлган бошқа кўнгилочар иншоотлар урин олади. Ҳозир мажмуадаги тематик парк, 2400 ўринли амфитеатр, аквапарк, замонавий шаршара ва музикали фаввора, 3 та ресторан қуриб битказилиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Таъқидлаш жоиз, бундай мақомдаги мажмуалар АҚШ, Япония каби давлатлардагина қурилган бўлиб, ўз маҳобати ва кўрки билан дунё аҳлини мафтун қилади.

Шаҳарсозликдаги навбатдаги ёрқин мисол — "Namangan Square" лойиҳаси ҳам йирик ва замонавийлиги билан эътиборга молик. "Ақлли шаҳар" тизимида барпо этилаётган масканнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг инфраузеллимаси ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет имкониятлари асосида бошқарилади. Фарғона водийсида ягона ҳисобланган шаҳарча умумий майдонининг ярмини яшил ҳудудлар эгаллайди. Ноёб ландшафт дизайни-

даги хиёбон, голф майдони, дарактур билан ўралган югуриш ва велосипед йўлкаси, спорт майдонлари, беш ва тўққиз қаватли турар жойлардан иборат мавзеда 10 минг киши яшайди. Марказида иккита осмонўпар минора — 20 қаватли эгизак бинолар самога буй чўзади.

Кичик саноат зоналари ташкил этиш қарори вазиятдан чиқишининг мақбул чораларидан бири бўлди. Шундай ҳудуд вилоятда биринчилар қаторида ўтган йили Наманган шаҳридаги Орзу даҳасида иш бошланди. Сўнгра "Пахталикўл", бу йил эса "Юксалиш" кичик саноат зонаси истиқболли бизнес портфелига эга тадбиркорларни кучоғига олган.

"Юксалиш" маҳалласида 117 гектар майдонли мазкур кичик саноат зонаси истеъмол бозорини тўлдирди, қўшимча меҳнат ўринлари яратиш, экспорт амалиётларида фаол қатнашиш орузидаги тадбиркорлар учун чинакам имкониятлар майдонига айланди. Бу ерда қурилиш материаллари, машинасозлик ва металл ишлов бериш, электроника воситалари, тўқимачилик, тикувчилик ва бошқа йўналишлардан иборат 95 та лойиҳани рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Айни кунда вилоятимизда "Юксалиш" сингари кичик саноат ҳудудлари сони 14 тага етди. Уларда пухта бизнес режаси билан тапловда голиб чиққан 206 нафар тадбиркор ўз лойиҳасини жойлаштираган. Яқинда вилоят туманларида яна 20 та кичик саноат зонаси ташкил этишга киришилди. Унда нисбатан кўп — 485 та лойиҳа рўёбга чиқарилади. Бу билан 22,5 мингта одам ишли бўлади.

— Гуллар шаҳри Наманган "фавворалар шаҳри", "тадбиркорлар шаҳри" сифатида ҳам эътироф қозонмоқда. Шаҳримизда экспорт салоҳиятини оширишда кўплаб хусусий сектор субъектларининг ҳиссаси кундан кунга ортиб бораётди.

Кўпни кўрганларнинг таъқидлашларича, Намангандан нарини кўрмаган бобонинг набираси чет элда ўқиб келиб, тадбиркор бўлиб, катта бир корхонани бошқараётгани, каватлаб уй қураётгани, қўш-қўш машина минаётгани бахтли воқеа. Чунки эски тузум йилларида яхши яшашга интилиб, меҳнат қилиб, уйини пишиқ гиштдан қургани, томига тунука ёлғани учун сўроқ-саволлардан силласи қуриган, уйини бузиб ташлаб ҳам кутулмай, "тавбасига таянган", отасидан қолган хунар — атлас тўқигани учун кўпни одамлар қамалган экан. Битта эшик ва ром ясаган хунарманд эса молиявий жаримга тортилган. Уста-шотирлик масаласи тўғрисида умуман гап кетиши мумкин бўлмаган экан. Айниқса, хусусий мулк, тадбиркорлик деса, ўша давр раҳбарларининг лабига учқу тошгани ҳам бор гап.

— Энди-чи, ҳодимларнинг ишга муносабати тундан ижобий тарафга бурилди, натижада шахсий маънафатдорлик ва меҳнат унумдорлиги ошди. Агар 1991 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яқин ички маҳсулотдаги улуши бор-йўғи 2 фоизни, кейинчалик 2000 йилда 31 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 60 фоизга етди. Энг муҳими, ҳозир республикамиздаги иш билан банд аҳолининг қарийб 80 фоизи, вилоятимизда эса 79,3 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада фаолият юрияпти, — дея фикрлари билан ўрқоқлашди "Ешлар — келажакимиз" жамағатининг вилоят бўйича координатори, фаол тадбиркор, "Имрон текстил груп" корхонаси раҳбари Ислонбек Қутфиддинов.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26-27 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи давомидида берилган 239 та топшириқ ижросини таъминлаш ҳамда 1 953 та лойиҳа учун 16,3 триллион сўм маблағ ўрнатилиши натижасида 54,9 мингта янги иш яратиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, ташриф дастури доирасида ҳукуматнинг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган 11 та қарори ва 2 та фармойиши қабул қилиниши белгиланган. 2020 йил иккинчи ярим йиллигида 22 050 нафар аъелининг бандлигини таъминлаш чоралари қурилди.

Дарвоқе, яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида вилоят ҳокими "Наманган тажрибаси" тариқасида бир йил муддат ичида фаолияти талабга жавоб бермаётган маҳалла раислари ўрнига ёш, фаол, ташаббускор, жамиятнинг муайян соҳасида ибрат кўрсатиб ишлаётган фуқароларни жалб этган ҳолда МФЙлар фаолиятига замонавий механизмларни жорий этиш тўғрисида Президентимизга таклиф киритди ва у маъқулланди.

ШИРМОЙ НОНИМИЗНИ ЁПАЙЛИК, ОНА!

Раҳматли бувим ҳаётлигида сўзлаб берган анчик хотиралар ёдимга тушади. У замонларда транспортлар бугунгидек кўчани тўлдириб қатнамаган. Аҳён-аҳёнда ўтадиган юк машиналарига чиқиб, манзилларига етиб олишган. Туман марказларига эса пахта ташийдиган тўрт гилдиракли аравада боришган. Бугун эса ўзимизда ишлаб чиқариладиган автобус-

лар, турли русумдаги енгил автомобиллар кўчаларни тўлдириб юрганини кўриб қўзинг қувнайди. Йўллар равон, манзиллар яқин.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2018 йил 2-3 май кунлари вилоятга ташрифи чоғида фаоллар билан учрашиб, Наманганда йирик ишлаб чиқариш саноати йўқлигини таассуф билан таъқидлаганди. Вилоятда йирик автомобиль заводи қуриш лойиҳаси амалга оширилишига тўхталиб, наманганликларни хурсанд қилганди.

Айни пайтда қурилиши давом этаётган "Hyundai-Namangan KD" тижорат автомобиллари заводи ишга тушиши натижасида вилоятнинг мамлакат саноатидаги ўрни ва улуши ортади, бандлик даражаси кўпаяди, энг муҳими, гуллар дийёри Наманган автомобиль шаҳри сифатида ҳам танилади.

Жаҳонни лол қолдирган бобо-момоларимиз қони бугун фарзандларимиз томирида оқияпти. ўша улғулук яна бош кўтарди, буюклик тирилди. Бугун қайси мактаб, лицей ёки коллежга борсак, қаршимизда оппоқ кўйлақларда озода кийинган, кўзи ва қалбиди ўт чанқанган ўғил-қизлар, ўқув юртларида бўйнига шода-шоода голлибик медалларини осиб олган ёшларини кўриб, қачон улғура қолдйкин-а, деб ақлимиз шошади. Мана сизга мустақиллик незмати, тухфаси! Буни кўриб, болаларимиз қалбиди Ватанга эгалик туйғуси, унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси жўш ураётганидан қувонамиз.

— Янги авлод вакиллари футбол ўйнайман деса, далаларнинг экиндан бушашини кўтиб ўтирмайди. Чунки ҳар бир маҳалла ва мактабда аjoyиб спорт майдонлари, мажмуалари бор. Мустақиллик йилларида туйилганларга ҳавасим келади, кўларини қаерга узатсалар етади. Улар талонга ун, ёғ олишни, ҳатто кир ювадиган совунлар йўқолиб кетиб, бувиларимиз анкир барглари, тандир қўлини қайнатиб, кийим-кечакларни ювганларини қаёқдан билсинлар?! Нонга навбатда турилган йиллар, бошқоқ териб, уни туйиб, қўр-қора нон ейилганми-чи?... Кичиклигимизда энг ширин машғулотишимиз оруз қилиш эди. Мактаб ҳовлисида футбол ўйнаб, қопток тегиб, ойналар тез-тез синиб қўлишди. Битта дўкон, битта чойхона — ҳамма тўпланадиган, харид ва тамадди қиладиган, дам оладиган жой эди. Бармоқ билан санарли хонадонда зил-замбил телевизор, енгил автомашина бўларди, — дейди Наманган туманидаги Шўрқўрғон қишлоғида яшовчи 90 ёшли қоралаган дуюғий отахон, меҳнат фахрийиси Олимжон ҳожи Сотибодиев.

— Бу кунларни етти ухлаб тушимизда кўрмаганмиз.



Теварак-атрофни қаранг, ҳамма ёқда қурилиш, тадбиркорлик, тараққиёт. Вилоят, туман, шаҳар марказини қўятуринг, ўзимизнинг қишлоқ гузарига бир ҳафта қилмасанг, бошқа гўшага бориб қолгандай эсанкираб қолсан. Буни қўшқоқ деб бўлмайди, нах шаҳарнинг ўзинаси. Дорилмон замонларга етгаганига шукур. Кексалар имонда, ёшлар илм, ижод, спортда барқарор. Бу кетишда қарияларнинг ҳажга бормагани, ёшларнинг олим, чемпион бўлмагани қолмайди чамаси! Ёғ тушса ялағудай кенг ва шинам йўллару хиёбонлар, замонавий учар енгил автомобиллар, эҳҳан, санаб адоғига етолмайсан. Илгари кўчага чиқадиган бўлсанг, машина кутиб кунинг ўтарди, энди эса оёғинг чирганини ёзиш учун озгина пиеда юришга зорсан, орангдан келиб, олиб кетишга чоғланган машиналар дастидан. Йўл бўйига чиқсанг, эшилинг тағига ташлаб кетади-я. Пенсиянинг келтириб қўлгани тўтқазилса, санаторийга бораман, десанг текин йўлланма берса, яна нима керак, ахир! — дея яна мўлоҳазаларини давом этиради отахон тинглайдиган суҳбатдош топанидан мамнун ҳолда...

Бозорлардаги тўқинликни қузатиб, тилингда шукур қалимаси айланади. Нозу незматларнинг юз хиллини учратасан, нонинг ҳидини эса бошқа маҳсулотдан тополмайсан. Юқорида Наманган ширмойи нонини



бежиз эслатмадик. У ўзгача маззаси ва шакли билан алоҳида ажралиб туради. Бу нон "ширмон", "ширмон" номлари билан ҳам машҳур. Ширмон — форс-тожик тилида "сутли нон", деган маънони англатади. Унинг ширмон қулча, ширмон папир, қўшалоқ ширмой, пай-вад, обу ҳул, олча гулли ширмой каби турлари бор. Ширмой ноннинг Ватани Наманган ҳисобланади. Наманган ширмойи озку муддат маззаси ва холатини сақлаб қолиши билан ҳам қимматли. Ширмой усти кункут, седана билан безатилиши мумкин. Ғўзаюра чўғида пиширилган нонларнинг таъми бошқача. Наманганда азалий қасб билан шуғулланиб, аҳоли дастурхонини ширмой нонлар билан беаётган сулола вакиллари талайгина.

ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

Поп туманининг Чодак қишлоғидаги Поп-Ангрэн электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннели очилиши муносабати билан журналистлар учун уюштирилган медиа-турдан сўнг ёр дафтаришга қўйидагиларни ёзиб қўйган эканман.

...Йўл узоклигини маълум маънода яқинлаштирувчи ва машаққатини енгиллаштирувчи асосий сабабини яхши йўлдошдир. Ижодкорлар йўл-йўлакай табиатнинг бетакор манзараларига, обод гўшаларга, файзли далалар ва мевалари яттилганган боғлар, зилол суварга боқиб, қақчақлашиб, яйраб суҳбатлашиб тўймайдилар. Кимнингдир ҳаёлида икки қатор мисра айланади, биров секингина қўшиқ хиройли қилади. Яна кимдир эса ёзилажак мақолалари учун сара лаҳза излайди, аjoyиб публицистика учун дилбар сўзга илҳомланади.

Ҳамроҳлар билан фикрлаша туриб, Фарғона водийсининг камари бўлган мазкур темир йўл билан боғлиқ маълумотлар такрорланади, янгиланади ва қўшилади. Бу ҳақда гап кетганда, албатта, ҳазрат Алишер Навоийнинг "Ҳамса"сидаги "Фарҳод ва Ширин" достони, ундаги Фарҳоднинг тоғдан ариқ ўтказиши воқеаси эсга тушади. Зеро, бундай бунёдкорликка ҳисса қўшган ҳар бир ишчи — бугунги авлодларни Фарҳодга қиёс этгилки. Яна "Тоғ кесиб йўллар солур чиндан бу кун Фарҳод" — Ватан! дея шоирона лутф билдиригинг келади. Халқона иборатда ўхшатиладиганди, тепага қарасанг, бошиндан дўпнинг тушиб кетгудек. Шаббода ғир-ғир эсади. Ижодкорлардан бири "Эйфель миносраси балки баландидир, бирок ундан поезд юрмайди", деганида ҳақ эди. Эҳтимол, унинг ҳайбатидан тоғлар ҳам ўқинсар. Рўпарамиздагини роставкамга озгимиз очилган ҳолда томошалаб ҳайратландик...

Вилоят иқтисодига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхтаганда, юқори савияда ташкил этилиб, натижадор келишувларга эришилаётган бизнес форумларга қисқача ургу қаратиш жоиз. Хусусан, 2019 йил 7-8 июнь кунлари илк бор ўтказилган "Invest in Наманган" халқаро бизнес форумига дунёнинг 43 та мамлакатидан хорижий компанияларнинг 300 дан ортиқ вакили ташриф буюришганди, 16 та давлат компаниялари билан умумий қиймати 358 миллион долларга тенг 48 та инвестицион келишув имзоланганди.

Шунингдек, ўтган йили 13-14 сентябрь кунлари биринчи Халқаро тиббиёт ва фармацевтика форумида 10 та хорижий компания билан жами қиймати 92,7 миллион долларлик 22 та муҳим келишувга эришилди. Дарҳақиқат, тинч-хотирчан, ширин орзулар оғушида, эртанги кунга ишонч туйғуси билан яшаган миллатгина бунёдкорлик билан машғул бўлиб, ўз келажаги ҳақида қайғуради, интилади, изланади. Ҳамюртимиз, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулланнинг қуйидаги ўлмас сатрларини беихтиёр завқ-шавқ билан ўқиймиз:

Мейвон қорштириб пок ҳавосига,
 Чиройга чирой қўшар Наманган,
 Кўзгудир халқининг муддасига,
 Катта тўйхонага ўқшар Наманган.

Орифжон ЖўРАЕВ,
 "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Эксклюзив интервью

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ КУН ТАРТИБИ

Бошланиши 1-бетда

Албатта, дунёдаги жараёнлар мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий курсини белгилаш ва амалга оширишда чуқур таҳлил қилинмоқда ҳамда инobatта олинмоқда. Халқаро майдондаги вазият ва юзага келаётган ҳар қандай таҳлиладан қатъи назар, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитети, хавфсизлиги ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тарақиёти ҳамда барча фуқароларимиз фаровонлиги ишончли тарзда таъминланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллигини изчил ислохотлар ва янгиланган ташқи сиёсат билан кутиб олмоқда. Мамлакат ички ҳаётида кузатилаётган очиқлик, инновация ва янгиланишлар, шунингдек, иқтисодий либераллаштириш, бозорни ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, рақамлаштириш, янги технологияларни жорий қилиш, таълим ва маърифат, фуқаролар фаоллиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига эътибор — буларнинг барчаси, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ташқи сиёсатига таъсир ўтказмоқда.

Аксарият халқро экспертлар ва хорижий сиёсатчилар фикрича, бугун Ўзбекистон ўзининг мисли кўрилмаган очиқлиги ва жадаллиги билан ажралиб турган изчил, аниқ ва конструктив сиёсат юритмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодий очиқлиги ҳамда инвестициялар ва бизнес учун жозибдорлиги, барча муаммоли масалаларни яқдиплик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида ҳал этишга интилиш, дунёнинг етакчи давлатлари ва бошқа мамлакатлари билан мувозанатли ва ўзаро манфаатли алоқалар юритиш, сиёсий ишонч ва халқаро ҳуқуққа риоя этилиши асосидаги ўзаро ҳамкорликка интилиш — бизнинг хорижий шерикларимиз Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсий курсни айнан ана шундай тавсифламоқда.

Ташқи сиёсатнинг аниқ жабҳалари ҳақида сўз юритишдан олдин мамлакатимизнинг устувор ташқи сиёсий йўналишлари амалда қандай шаклланиши ҳақида тўхталмоқчиман.

Устувор йўналишлар ҳақида фикр билдирилганда, дунёнинг турли мамлакатлари билан икки томонлама алоқалар назарда тутилди. Бунда салмоқли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа салоҳиятга эга етакчи давлатларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу табиий ва мутлақо адолатлидир.

Аmmo ташқи сиёсат қандай асосий вазифаларга ечим топиш кераклигиндан ҳам келиб чиқиб лозим. Улардан энг муҳими давлат ва жамиятнинг муваффақиятли ички ривожланиши, ислохотларни амалга ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишини таъминлаш, ҳаёт сифатини кўтариш учун қулай ташқи шартнони яратиш ҳисобланади.

Иккинчи вазифа — Ўзбекистон атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш. Айнан мамлакатимиз жойлашган минтақадаги хавфсизлик барқарор ривожланишининг энг асосий шартидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари — Бизнинг бевосита кўшнилари билан дўстона, яқин кўшничлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлашни асосий устувор ташқи сиёсий йўналиш сифатида белгилаб берди.

Ўзбекистон раҳбари ташаббуси асосида сўнгги уч йилда минтақанинг барча мамлакатлари билан олий даражадаги ташрифлар алмашинуви амалга оширилди. Минтақа давлатлари етакчилари ўртасидаги сиёсий мулоқот ўзаро ишончга асосланган мунтазамлик ва доимийлик касб этди. Бундай мулоқотлар домида Марказий Осиё давлатларини қизиқтирадиган хавфсизлик, иқтисодиёт, инвестиция, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муҳим кўшма қарорлар қабул қилинмоқда.

Натижада тарихан қисқа вақтда Ўзбекистоннинг минтақадаги барча давлатлар билан муносабатлари тубдан яхшиланди. Давлат раҳбарлари ўртасида очиқ ва ишончли сиёсий мулоқотнинг мустақамлашни натижасида минтақадаги кўшчилар билан муносабатларда 2016 йилгача мавжуд бўлган кўллаб мураккаб муаммоларга ечим топилди. Президентлар ўртасидаги ўзаро ишонч мустақамланди.

Кўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, sanoat ишлаб чиқариши соҳаларидаги алоқаларимиз изчил ривожланиб бормоқда. 2019 йил якунига кўра, улар билан савдо айланмаси ҳажми 5,2 миллиард долларга кўтарилди.

Пандемия шароитига қарамай, 2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасининг умумий ҳажми 2,17 миллиард долларни ташкил этди.

Шу билан бирга, биз яқин кўшнилари билан

ҳақида гапирганимизда, нафақат Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни, балки Афғонистонни ҳам назарда тутамиз.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Афғонистон Марказий Осиё минтақасининг бир қисми ҳисобланади, “Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизациян маконда яшаб келган”. Афғонистон худудида Беруний, Навоий, Бобур каби кўллаб мутафаккир олимларимиз яшаган ва ўздан улкан мерос қолдирган.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ривожланиб бормоқда. Афғонистон хавфсизлигини мамлакатимиз хавфсизлиги ва бутун минтақанинг барқарорлиги ва фаровонлиги кафолати, деб қабул қилмоқдамиз.

Давлатимиз ташқи сиёсатининг замонавий устувор йўналишлари ҳақида гапирганда, Ўзбекистоннинг етакчи хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан стратегик алоқалари ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон тарақиётнинг тарихий ва ҳал этувчи босқичидан ўтиб бормоқда. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг мисли кўрилмаган кенг кўламли дастури амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, 2035 йилга келиб Ўзбекистоннинг дунёнинг 50 та иқтисодий ривожланган мамлакати қаторига киришига хизмат қилади.

Ушбу мақсадга фақат жаҳон иқтисодий ва молиявий тизимига муваффақиятли ва изчил интеграциялашув орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон учун дунёнинг Россия, АҚШ ва Хитой каби етакчи давлатлари, Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланган мамлакатлар, хусусан, Корея Республикаси ва Япония, Европа мамлакатлари ва Европа Иттифоқи, араб-мусулмон ҳамда туркий тилли давлатлар билан ўзаро манфаатли, самарали ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, қайд этилган устувор йўналишлар тартибига муайян тузатишлар киритиш мумкин. Ташқи сиёсат нафақат пухта ўйланган, вазмин, балки бир вақтнинг ўзида илдам ва қулай бўлиши ҳамда ҳозирги тез ўзгарувчан, дунёда юзага келишини олдиндан айтиб бўлмайдиган янги муаммо ва таҳликларга ўз вақтида ва муносиб жавоб бериши керак.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларида қандай ишлар амалга оширилгани тўғрисида батафсил сўзлаб беришингизни истардик.

— Кўп ишлар қилинди ва Ўзбекистон раҳбарияти ташқи сиёсатининг белгиланган устувор йўналишларини самарали амалга оширишга катта аҳамият бермоқда.

Биринчидан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг энг муҳим халқро ташаббусларидан бири — БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илк марта эълон қилинган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ўтказиш тўғрисидаги тақдир алоҳида ошди. Ушбу ташаббус халқаро миқёсда кенг тан олинди ва минтақа давлатларининг барча раҳбарлари томонидан кўллаб-қувватланди.

Ана шундай шаклдаги биринчи учрашув 2018 йил Остона шаҳрида бўлиб ўтди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Иккинчи маслаҳат саммити эса 2019 йил 29 ноябрь кунини Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Ушбу тадбирнинг якунлари бўйича Маслаҳат учрашуви қатнашчиларининг тарихий аҳамиятга эга бўлган кўшма баёноти қабул қилинди. Унда алоҳида таъкидланганидек: “Марказий Осиёда минтақавий яқинлашувнинг ҳозирги тенденцияси — тарихий воқелик. Сиёсат, хавфсизлик, барқарорликни сақлаш ва тарақиёт соҳаларида минтақавий ҳамкорликни фаоллаштириш кўшни мамлакатлар халқларининг туб манфаатларига жавоб беради, улар ўртасидаги биродарлик ришталарининг янада мустақамлашни, Марказий Осиёнинг улкан иқтисодий ва цивилизациян салоҳиятини тўлиқ амалга оширишга хизмат қилади”.

Ҳозирги вақтда минтақа мамлакатлари XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадида дўстлик, яқин кўшничлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги беш томонлама давлатларро ҳужжатни биргаликда тайёрламоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон томонлар ўртасидаги мулоқотга кўмаклашиб, Афғонистондаги тинчлик жараёнини кўллаб-қувватлаш ва илгари суришда фаол иштирок этмоқда, шунинг-

дек, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамда халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга жалб қилишга ёрдам берадиган муҳим иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати Марказий Осиёда барқарор ривожланиш истиқболлари кўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқлигини англашга асосланади.

Таъкидлаш жоиз, Афғонистондаги тинчлик жараёни узоқ вақт давомида боши берк кўчада қолиб кетди. Бундан ҳам ачинарлиси шундаки, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги бошқа инкирозли вазиятлар фонидда Афғонистондаги уруш жаҳон ҳамжамияти эътиборидан бутунлай четда қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан дунё миқёсидagi ушбу ўткир муаммони халқро ҳамжамият кун тартибига қайта киритишга эришилди.

2018 йил 26-27 март кунлари Тошкентда Афғонистон бўйича юқори даражали халқро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда Афғонистон Президенти Ашраф Ғани, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Федерика Могерини, БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо давлатлар вакиллари иштирок этди. Афғонистон муаммосини ҳал қилишга бағишланган бундай кенг қамровли форум биринчи марта ана шундай юқори даражада ўтказилди.

Тошкент конференцияси чиндан ҳам муваффақиятли ўтгани тўғрисида гапириш учун бир қанча сабаб бор.

Аввало, Афғонистондаги можарони ҳал қилишга кўмаклашиб, кўшни давлатлар билан яқин кўшничлик алоқаларини йўлга қўйиш Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи ва афғон муаммосини ҳал этишдаги стратегик қарашларига, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакат ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларини аниқ белгилаб олинганига асосланади.

Амалий жиҳатдан Тошкент форуми бошланиши арафасида Президентимизнинг АҚШ, Россия, Хитой раҳбарлари, минтақа мамлакатлари — Ҳиндистон, Покистон, Эрон ҳамда Марказий Осиё давлатлари ва, табиийки, Афғонистон етакчилари билан муҳим шахсий учрашувлари ва маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди.

Тошкент конференциясининг асосий натижаси ва муваффақияти афғон инкирозини ҳал қилиш масаласида умумий халқро ёндашувни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга эришилганидир. Буларнинг барчаси афғон мулоқотида алоқадор давлатларнинг мутлақ кўпчилиги томонидан тан олинган Тошкент декларациясида ўз аксини топди.

Тошкент конференцияси ва, умуман, Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати афғон можаросини ҳал қилиш бўйича халқро саъй-ҳаракатларнинг фаоллашишига, тинчлик жараёнини илгари суришга қаратилган минтақавий савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга ушбу мамлакатни жалб қилишга олиб келди.

Шу кунларда Афғонистон қатор давлатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг фаро кўмагида Қатар пойтахти Доҳада кенг қамровли афғонларро музокаралини бошлашга тайёргарлик кўрмоқда. Қирқ йиллик энг шафқатсиз ва ҳалокатли урушдан кейин биринчи марта афғон халқи ўз мамлакатининг тинч келажагига ҳақиқатан умид қилмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг турли қитъалардаги кўллаб давлатлар ва давлат уюшмалари билан муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Авало, сўнгги йилларда Россия билан стратегик шериклик ва ҳамкорлик сезиларли даражада мустақамланди. Очиқлик ҳамда ўзаро ишончга асосланган биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, транспорт, агросаноат, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик кўламини сезиларли даражада кенгайтиришга эришилди.

Россия Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. 2019 йил якунига кўра, РФнинг мамлакатимиз ташқи савдо айланмасидаги улуши 15,7 фоизни ташкил қилди. Ўзбекистон Россиянинг турли минтақаларига тўқимачилик, озик-овқат ва бошқа маҳсулотларни етказиб беришни кескин оширди.

Иқтисодий ривожланишнинг устувор соҳаларида қатор йирик лойиҳалар ва дастурлар

муваффақиятли амалга оширилмоқда. Россиянинг атом энергетикаси мутахассислари Ўзбекистонда Марказий Осиёда биринчи атом электр станциясини қуришга тайёргарлик ишларини бошлади.

Агар Ўзбекистон — Россия муносабатларининг муҳим йўналишларидан бирига айланган маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистонда Россиянинг ўнлаб етакчи университетлари филиаллари очилганини таъкидлаш ўринли бўлади. Миллий технологик тадқиқотлар университети (МИСиТ), Миллий ядровий тадқиқот университети (МИФИ) ҳамда Москва давлат халқро муносабатлар институтининг биринчи хорижий филиали шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги шериклик мустаҳкам пойдеворга эга экани ва келажакка йўналтирилганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг дунёдаги бошқа етакчи мамлакатлар билан муносабатлари ҳам жадал ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2018 йил май ойида Вашингтонга расмий ташрифи Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Икки давлат раҳбарлари “Стратегик шерикликнинг янги даври бошланиши тўғрисида”ги кўшма баёноти қабул қилдилар ва ўз саъй-ҳаракатларини ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли соҳаларини ривожлантиришга йўналтирдилар.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ижобий баҳоланди ва кўллаб-қувватланди. Бу Ўзбекистоннинг рейтингини ва халқро имижига ижобий таъсир кўрсатди.

2017 йилдан буён икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида илк бор АҚШнинг юқори мартабали иқтисодий делегациялари — савдо вазири У.Росс, Миссисипи штати губернатори Ф.Брайант, АҚШнинг сертификатланган савдо миссияси (2019 йил) ташрифлари амалга оширилди.

Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми икки баравар ошди. Америкалик сайёҳларнинг Ўзбекистонга оқими эса 50 фоиз кўпайди.

АҚШ Конгрессида нуфузли “Ўзбекистон бўйича кокус”, яъни республиканинг норасмий дўстлари гуруҳи тузилди. Тошкентда кенг қамровли, жумладан, маркетинг ва тадбиркорлик, компьютер фанлари, медиа индустрияси, соғлиқни сақлаш бошқаруви каби академик дастурларни ўз ичига олган Вебстер университетининг филиали очилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари ва Европа Иттифоқи билан муносабатлари деярли барча соҳаларда сезиларли даражада мустақамланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Франция (2018 й.), Германия (2019 й.) ва Туркияга (2017 й. ва 2020 й.) самарали расмий ташрифлари бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоиз, Туркия билан алоқалар аънванга кўра Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади. Мазкур ташрифлар натижасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда натижадор келишувларга эришилди. Германия Президенти Ф. Штайнмайер (2019 й.) ва Туркия Президенти Р. Эрдоғоннинг (2018 й.) юртимизга жавоб ташрифлари муваффақиятли амалга оширилди.

Умумий эътирофга кўра, Европа билан кўп томонлама муносабатларда муҳим натижагарга эришилди. 2019 йил май ойида Европа кенгаши Президенти Д.Туск Ўзбекистонга биринчи мартаба ташриф буюрди. 2017 ва 2018 йилларда Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакил Ф.Могерини юртимизга келди. Европа томони иқтисодиёт, савдо, инновация, инвестиция, транспорт, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини билдирди. Бу Ўзбекистон — Европа ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ҳақидаги тасаввуримизга тўлиқ мос келади.

2019 йил якуни бўйича Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми ундан олдинги йилга нисбатан 60 фоиз ошди ва 4 миллиард долларни ташкил этди. Ўзбекистон маҳсулотларини Европага экспорт қилиш 580 миллион долларга етиб, бир ярим баравар кўпайди. Аниқки, бу соҳада томонлар ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳиятга эга.

Шу сабабли Тошкент ва Брюсселда 2019 йилдан бери муҳокама қилинаётган кенг қамровли Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги келишув доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига жиддий эътибор қаратиламоқда.

Фикримча, ушбу муносабатларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, Тошкентнинг Марказий Осиёда юритаётган очиқ ва конструктив ташқи сиёсатини кўллаб-қувватлаган ҳолда Брюссель минтақамизга нисбатан ўз сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқди. Бу ЕИнинг 2019 йилда қабул қилинган Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегиясида ўз аксини топди. Мазкур ҳужжатда минтақаларро ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, Марказий Осиё давлатларининг сиёсий барқарорлиги ва изчил тарақиётини Европа Иттифоқи томонидан кўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди.

Сўнгги уч йилда Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги интеграция жараёнларидаги иштирокини фаоллаштирди. Ҳамдўстлик давлатлари билан тарихий, биродарлик алоқаларимизга таяниб, Тошкент МДҲ доирасида кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорликни янада мустақамлашнинг қатъий тарафдоридир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон МДҲнинг 84 органидан максд-вазифалари миллий манфаатларга жавоб берадиган 40 дан ортиғида иштирок этмоқда. Сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон МДҲ Иқтисодий кенгаши, Ҳамдўстлик Парламентларро Ассамблеяси ва МДҲнинг 18 та соҳавий органига қўшилди.

2020 йилда Ўзбекистон МДҲ ташкил топганидан буён биринчи мартаба Ҳамдўстлик раислигини қабул қилгани ва уни муваффақиятли амалга ошираётгани кўп нарсадан далолат беради.

Ташаббускорлиги ва прагматизми билан ажралиб турадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) фаолиятида ҳам Ўзбекистон фаол иштирок этмоқда. Тошкентнинг ташкилотдаги янги фаол курси шарофати билан 2017 йилдан буён Ўзбекистоннинг ШХТдаги хавфсизлик, иқтисодиёт, транспорт, илм-фан, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустақамлашга йўналтирилган 10 дан ортиқ ташаббуси амалга оширилди.

Ўзбекистон ШХТда янги платформаларни яратиб бўйича ташаббускорга айланди. ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази, Темир йул мамуриятлари раҳбарларининг учрашуви, Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” халқро туризм университетини ташкил этиш шулар жумласидандир.

Ташқи сиёсатнинг яна бир йўналиши — Осиё — Тинч океани минтақаси Ўзбекистон учун инвестициявий ва иқтисодий ҳамкорлик ва янги бозорларни ўзлаштириш нуқтани назардан муҳимдир. Сир эмаски, айнан ушбу минтақа жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган маркази бўлиб, бу ерда юқори технологияларнинг йирик экспорт ва импорт қилувчилари жойлашган.

Бугунги кунда Хитой билан сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий, маданий, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлигимиз жадал ва ўзаро манфаатли асосда ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги мунтазам учрашувлар, шу жумладан, давлат раҳбарларининг 2017-2020 йиллардаги музокаралари натижасида Ўзбекистон-Хитой стратегик шерикчилиги сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. 2019 йилда Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялари ҳажми 9,8 миллиард доллардан ошди, 100 миллион долларга яқин миқдорда турли грантлар жалб этилди.

Корея Республикаси билан ҳамкорлигимиз ҳам эътиборга лойиқдир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдаги Сеулга ҳамда Президент Мун Чжэ Иннинг 2019 йилдаги Ўзбекистонга қилган давлат ташрифлари якунида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни мустақамловчи 20 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди. 2019 йилда ўзаро муносабатлар алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилди, бу эса томонларнинг дўстлик ва ўзаро ишонч муносабатларига содиқликни тасдиқлади.

Ўзбекистондаги 13 та университет, 48 та мактаб ва лицейда корей тили ўргатилаётгани ҳам бунинг далилидир. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг Инха, Пүчон, Йожу ва Корея халқро университетини каби машҳур олий ўқув юрларининг филиаллари фаолият юритмоқда, яна иккитаси очилиши кутилмоқда.

Япония Осиёдаги аънванавий ва ишончли шерикларимиздан бири ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил декабрь ойида Японияга биринчи расмий ташрифи ушбу мамлакат билан сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, технологик, илмий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга янги руҳ бағишлади.

Эксклюзив интервью

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ КУН ТАРТИБИ

Бошланиш 1, 4-бетларда

Мен Афғонистон ҳақида гапирганда, Ўзбекистоннинг стратегик муҳим минтақа — **Жанубий Осиё**даги ташқи сиёсий фаоллиги тўғрисида эслатиб ўтган эдим. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ушбу минтақанинг асосий факторлари бўлган Ҳиндистон ва Покистон билан алоқалари жадаллашаётгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу давлатлар Ўзбекистоннинг икки томонлама ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги муҳим шерикларидир.

Ўзбекистон Президентининг 2018-2020 йилларда Ҳиндистонга ташкил қилинган давлат ва амалий ташрифлари, уларнинг якулари бўйича имзоланган 20 та шартнома, шубҳасиз, салмоқли аҳамиятга эга бўлди. Бугун яна 20 га яқин ҳужжат имзолаш учун тайёрланмоқда. Ҳиндистоннинг ўсиб бораётган иқтисодий ва технологик салоҳиятини инобатга олган ҳолда, мазкур давлат билан соғлиқни сақлаш, фармацевтика, таълим, туризм, қурилиш соҳаларида, шунингдек, минтақанинг транспорт-логистика имкониятларини ривожлантиришда ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболлари мавжуд.

Ҳиндистон учун Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари бозорларига чиқиш жуда муҳим. Биз эса, ўз навбатида, экспорт имкониятларимизни кенгайтириш, янги ташқи бозорларга чиқишдан манфаатдоримиз. Бундай саяё-ҳаракатларсиз замонавий дунёда ҳеч бир минтақа ёки мамлакат ривожлана олмайди.

Ҳиндистон билан аънавий яқин муносабатлар халқаро майдонда БМТ ва бошқа кўп томонлама форматларда, шу жумладан "Марказий Осиё — Ҳиндистон" мулоқоти доирасида ҳам ривожлантирилмоқда. Ушбу форматдаги биринчи вазирлар учрашуви 2019 йил январь ойида Самарқандда бўлиб ўтди.

Шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон оқшқ ташқи сиёсатини жадал илгари суришни бошлаши билан мамлакатимиз **етақчи давлатлар билан** "Марказий Осиё + Россия Федерацияси", "Марказий Осиё + Хитой Халқ Республикаси", "C5 + 1" (АҚШ), "Марказий Осиё + Япония", "Марказий Осиё + Корея Республикаси", "Марказий Осиё + Европа Иттифоқи" ҳамкорлиги доирасида **минтақавий мулоқотнинг турли форматларини ривожлантиришда** сермахсул иштирок этмоқда. Бундай форматларнинг пайдо бўлиши халқаро муносабатлар архитектураси, сиёсий ва иқтисодий ўзаро боғлиқликнинг глобал жараёнлари, минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимини шакллантиришда Марказий Осиёнинг аҳамияти ва роли ошиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг Покистон билан муносабатлари ҳам сезиларли даражада илгариларди. 2017-2019 йилларда Президент Шавкат Мирзиёев кўп томонлама анжуманлар доирасида Покистон Исломи Республикаси Президенти ва Бош вазир билан тўрт мартаба учрашди. Мазкур мулоқотлар доирасида иқтисодиёт, инвестиция, сиёсат ва хавфсизлик соҳаларида муҳим келишувларга эришилди.

Ўзбекистон араб-мусулмон дунёси давлатлари билан ҳам ишончли ва дўстона муносабатларни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Эътиборлиси, ушбу давлатлар мамлакатимизга истиқболли инвестиция бозори сифатида катта қизиқиш билдиришмоқда. 2011 йил 25 апрель куни Ашхободда Туркманистон, Ўзбекистон, Эрон ва Умон томонидан Форс кўрфазини ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида транспорт коридорини барпо этиш бўйича тўрт томонлама битимнинг имзоланиши иқтисодий ўзаро ҳамкорлик борасида энг муҳим ютуқлардан бири бўлди.

Ўзбекистон ва Яқин Шарқни географик яқинлик, умумий тарихий, маданий ва маънавий қадриятлар бирлаштириб туради. Сўнгги йилларда араб мамлакатлари билан ҳамкорлигимиз барча йўналишларда ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбари 2017 йил

май ойида Саудия Арабистони, 2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрди. Ўз навбатида, Миср Президенти А. ас-Сиси 2018 йил сентябрь ойида Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

Олий даражадаги музокаралар доирасида томонлар барча йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, банк ва молия, қишлоқ хўжалиги, маданий-гуманитар, туризм ва бошқа соҳаларда алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Президентнинг БААга ташрифи давомида қиймати 10 миллиард доллар бўлган 10 та муҳим ва 11 та инвестицион ҳужжат имзоланди. Миср Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида қиймати 500 миллион долларга яқин 4 та ҳужжатлар, 7 та идоралараро ва 11 та инвестицион битим тузилди.

Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида, жумладан, 2017-2020 йилларда Саудия Арабистони, Кувейт, БАА, Исроил, Марокаш, Иордания ва Миср билан сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Умуман олганда, **Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан инвестицион ҳамкорлиги ҳозирги вақтда қиймати қарийб 1,9 миллиард доллар бўлган 60 дан ортқ лойиҳани қамраб олади.**

Исломи ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) билан алоқаларга қисқа тўхталиб ўтмоқчиман. Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилган ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-мажлисида иштирок этди ва Ўзбекистон раислиги даврида ташкилот билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, 2017 йил 10 сентябрь куни Остона (Нур-Султон) шаҳрида ўтказилган ИХТнинг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида аъзо давлатлар Президентимизнинг илм-фан, маънавият ва маърифатни янада ривожлантириш бўйича амалий ташаббусларини олқишлади.

— Сиз Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти учун ўта долзарб бўлган мавзу — мамлакатга хорижий инвестициялар, технологияларни жалб этиш, хорижий давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантириш масаласини кўтардингиз. ТИВ ва мамлакатимизнинг халқаро фаолиятида иштирок этётган бошқа вазирлик ва идоралар олдида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қўйилган ушбу энг биринчи даражали вазифа қандай бажарилмоқда?

— Инвестиция ва технологияларни жалб этиш, маҳаллий экспортни кенгайтириш, ташқи бозорларда миллий компаниялар брендини илгари суриш, юртимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, туризмини ривожлантириш иқтисодий дипломатиянинг энг асосий вазифасидир. Бугунги кунда ушбу йўналиш иш фаолиятимизнинг ажралмас қисмига айланган.

Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг топириқ ва кўрсатмаларига мувофиқ, ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ТИВнинг инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ўзаро алоқалари кучайтирилди. Иқтисодий вазирликнинг биргаликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун тегишли тузилмалар ташкил қилинди. Махсулот ва хизматлар экспортни диверсификациялаш, республикага инвестициялар ва илгор технологияларни жалб қилиш, сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида вазирлик ва Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари иш услуби ва тизимига янги ёндашувлар жорий қилинмоқда.

ТИВ тизимини иқтисодий дипломатия департаменти ташкил этилиб, у бевосита мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, хорижий инвестициялар ва молиявий-техник кўмакни жалб этиш, туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш билан шуғулланади.

Халқаро ишбилармон доиралари билан алоқаларни фаоллаштириш, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Исломи тараққиёт банки ва бошқа йирик халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни жадаллаштириш иқтисодий дипломатиянинг муҳим йўналишларига айланди.

2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ҳукумати ва компаниялари расмий делегацияларининг дунёнинг 48 давлатига ташрифлари ташкил этилди. Хорижий давлатларнинг савдо-иқтисодий идоралари раҳбарлари ва вакиллари билан 250 дан ортқ учрашув ва бизнес форум ўтказилди. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига бағишланган тақдирот маросимлари уюштирилди.

Ўтган ярим йил ичида республикада қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, тиббиёт, фармацевтика, таълим, маданият ва бошқа тармоқларга 3,154 миллиард доллар миқдоридagi инвестициялар ва кредитлар жалб



этилди ва ўзлаштирилди. Пандемиянинг салбий оқибатларини камайитириш учун хорижий давлатлардан 11,6 миллион доллар миқдоридagi инсонларварлик ёрдами, молиявий-техник кўмак ва грантлар жалб қилинди.

— Раҳмат, Сиз иқтисодий дипломатия масалаларини батафсил баён қилиб бердингиз. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятида янги йўналишларни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам фикрларингизни билдирсангиз. Маълумки, авваллари бу масалага кам эътибор берилган.

— Ҳа, албатта, бундай йўналишлар мавжуд. Улардан бири маънавий қадриятлари ва тарихи муштарак бўлган турк дунёси мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларимиздир.

Ўзбекистоннинг 2019 йил 15 октябрь куни Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига (ТДҲК, Туркий кенгаш) аъзо бўлиши туркий цивилизациянинг ривожланишида юртимизнинг тарихий роли ҳамда Тошкентнинг кўп томонлама дипломатияси фаоллашуви нуқтаи назаридан муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон ўтган қисқа даврда Туркий кенгашдаги иштироки доирасида қатор муҳим ташаббусларни амалга оширишга эришди. Хива шаҳри "Туркий дунёнинг маданият пойтахти" деб эълон қилинди, ТДҲКнинг COVID-19 пандемиясига қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳи ва Транспорт соҳасида ҳамкорлик бўйича ишчи гуруҳи ташкил қилинди. ТДҲК ва ЖССТ ўртасида меморандум лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мамлакатимизнинг Туркий кенгаши иштироки нафақат Марказий Осиё, балки Кавказ ва Европа давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларини ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилади. Бу билан мазкур минтақалар транспорт-логистика йўналишларини ўзаро боғлаш учун янги истиқболлар яратилмоқда, ҳудудлараро савдони ривожлантириш билан бирга мамлакатларга янги бозорларга чиқиш, транспорт йўлақларини диверсификация қилиш имкони яратилмоқда.

Биз, шунингдек, Форс кўрфазидagi араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо давлатлар, хусусан, Саудия Арабистони, БАА, Қатар ва Умон билан савдо-иқтисодий алоқаларни сезиларли равишда фаоллаштириш ниятидамыз.

— Бугунги кунда республикада ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тарбияси ва маърифати, шунингдек, барча даражаларда таълим олиш ва малака ошириш имкониятларини кенгайтириш бўйича муҳим чоралар кўрилмоқда. Ушбу ташаббуслар халқаро майдонда қандай амалга оширилаётгани ҳақида гапириб берсангиз. Бундан ташқари, ўзбек дипломатияси тизимини ўқитиш ва тайёрлаш масалалари қандай ҳал қилинаётгани ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ушбу долзарб саволингиз учун миннатдорлик билдираман. Давлатимиз раҳбари кенг маънода мамлакатимиз келажагининг эгалари бўлган ёш авлодга улкан эътибор қаратмоқда.

Аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этадиган, қайси соҳага тегишли бўлишидан қатъи назар, амалга оширилаётган барча илохотларда ёш авлод, фарзандларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш Президентимиз томонидан устувор йўналиш этиб белгиланган Ўзбекистон учун айниқса муҳимдир.

Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон Президентининг ёшларни илохотлар ва модернизация жараёнларига жалб қилмасдан, давлатларни ривожлантириш, хусусан, инсоният дуч келаётган кўплаб муаммоларни ҳал қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги ғояси кенг эътироф этилди. Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, иқлим ўзгариши салбий таъсирини камайитириш, пандемия ва бошқа табиий офатлар билан курашиш шулар жумласидандир. Президентимиз таъбири билан айтганда, ўшбу масалаларнинг барчаси "ўзаро келишилган глобал ҳамкорликни ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш жараёнларига ёшларни фаол жалб қилишни талаб этмоқда".

Исломи ҳамкорлик ташкилоти ва БМТ доирасида илгари сурилган юқорида зикр қилинган тақлифлардан бошлаб, ёшларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалаларига бевосита алоқадор бўлган бугунги кунда барчага маълум қатор халқаро ташаббуслар Ўзбекистон раҳбарига тегишлидир. Мен яқинда бўлиб ўтган **"Ёшлар-2020: глобал ҳамжамиятлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари"** мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд онлайн форумини назарда тутмоқдаман. Унда таниқли хорижий олимлар, жамоат арбоблари, БМТ, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, Парламентлараро иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, ШҲТ, МДҲ, ИХТ вакиллари ва бошқа шерикларимиз иштирок этди.

Кенг доирадаги ушбу форум қатнашчилари Ўзбекистон раҳбарининг 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган **Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги ташаббусини бир овоздан маъқуллади. Ушбу тақлиф, асосан, инсониятнинг ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, унинг эркин бўлиши ва барча соҳаларда ўз қобилият ва имкониятларини қонуний рўёбга чиқариши учун шариот яратишга қаратилган.

БМТ, Венеция комиссияси, ЕХҲТ раҳбарлари, халқаро оғмулдманлар ва форумнинг бошқа таниқли иштирокчилари таъкидлаганидек, Самарқанд форумининг натижалари "келажак учун ҳуқуқий воситалар"ни ишлаб чиқиш ва илгари суришда ёшларни жалб қилишга ҳамда "барқарор ривожланиш лойиҳаларида улар фаоллигини оширишга қаратил-

ган 2030 йилгача БМТнинг ёшлар стратегияси барқарорлигини таъминлаш"га хизмат қилади.

Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши эса ҳозирги замонда ёшларнинг қонуний манфаатларини эътироф этиш ва инобатга олиш, дунёда ёш авлоднинг ҳар томонлама шахсий ва касбий ривожланишига имкон яратади.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, республикамиз раҳбарияти томонидан кадрлар тайёрлашнинг барча тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ва Ўзбекистоннинг дунёдаги энг тараққий этган давлатлар қаторида мустақил изчил ривожланиши учун зарур бўлган катта миқдордаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бу борада асосий эътибор давлатимиз манфаатларини халқаро майдонда фаол ва муваффақиятли илгари сура оладиган халқаро муносабатлар соҳасида ёш мутахассислар ҳамда ўзбек дипломатияси учун профессионал кадрларни тайёрлашга қаратилмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини кенгайтириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ва ролини мустаҳкамлаш бўйича янги вазифаларни самарали бажара оладиган дипломатик хизмат учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш чоралари кўрилди.

Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистон Президентининг "Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (ЖИДУ) фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда ЖИДУ халқаро иқтисодиёт, халқаро муносабатлар ва сиёсий фанлар, халқаро ҳуқуқ соҳаларида мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги асосий олий таълим муассасаси, таъбир жоиз бўлса, етакчи университет ҳисобланади.

ЖИДУни ўз тизимига олган ташқи сиёсий маҳкама раҳбари сифатида шуни таъкидлашим мумкинки, кейинги йилларда республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти соҳасидаги халқаро мутахассисларни тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан юқори даражага олиб чиқишга эришилди. Бунда, шу жумладан, чет эл таърибасидан фойдаланилди ҳамда университетнинг ўз илмий ва амалий тадқиқотлари янада ривожлантирилди.

Содда қилиб айтганда, университетнинг муносиб профессор-ўқитувчилари таркиби шакллантирилди, мураккаб ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган касб малакаси, чуқур билим ва таҳлилий кўникмаларга эга бўлган ўзбек дипломатиясининг ёш билимли кадрлари тарбияланди. Бугунги кунда ЖИДУ битирувчилари Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари, республиканинг халқаро ташкилотлардаги вакиллари, ташқи ишлар вазирининг ўринбосарлари сифатида, шунингдек, мамлакатнинг бошқа муҳим вазирлик ва идораларида масъул лавозимларда фаолият юритмоқда.

Биз Ўзбекистон дипломатиясини замонавий талабларга жавоб берадиган, халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг миллий-давлат манфаатларини масъулиятли ва самарали ҳимоя қиладиган даражада такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттирамиз.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири
Лутфулла СУВОНОВ
сўхбатлашди.



Адиблар хиёбонидаги ўйлар

Шахло ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўтган аср аввалидаги жадидчилик ҳаракати Ватанимиз тарихининг ёрқин саҳифасини ташкил этгани билан аҳамиятли. Жадидчилик миллат ҳаётининг барча жаҳдаларини ислоҳ этиш, уни дунёнинг тараққий этган халқлари даражасига юксалтириш масаласини кун тартибига қўйди.

“АНА, СОЧДИМ ҚАЛБИМДАГИ ГУЛЛАРНИ...”

Миллат зиёлилари мактаб-маориф тизимидан маданият-маърифат соҳасига, адабий-эстетик тафаккурдан сиёсий-ҳуқуқий онгни ўстиришга бўлган барча жараёнларни янгилаш йўлига сафарбар этилди.

Буюк Абдулҳамид Чўлпоннинг болалик ва ўсимлик чоғлари жадидчилик ҳаракати қизғин паллага кирган ана шу йилларга тўғри келди. У Туркистон жадидчилигининг тан олинган карвонбоши (Бегали Қосимов таъбири — Ш.Х.) Маҳмудхўжа Бехбудийнинг матбуотдаги ижтимоий-сиёсий публицистикаси билан айна шу кезларда танишди. Ун беш ёшли Абдулҳамид Аҳмад Заки Валидийнинг “Турк ва татар тарихи” китобини катта қизиқиш билан ўқиди. Унинг маънавий устози Бехбудий Валидийни Туркистон тарихини ёзишни ишониб топшириш мумкин бўлган ягона олим, дея таърифлаган. Муаллифга чуқур ҳурмати изҳор этилган мактуб ёзиб, Андижонга тақдим қилди. Орадан бир йил ўтиб, Фарғона водийсига илмий сафар билан келган Заки Валидий Чўлпоннинг уйда ҳам бўлди. Улар ўртасида устоз-шогирдлик робитаси боғланди.

Чўлпоннинг жадид матбуотидаги иштироки айна шу йилларга тўғри келган. Долзарб мақолалар билан бир қаторда у таъсирчан шеърлари билан ҳам фаол эди. Еш шoirнинг “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 14 апрель сонида босилган “Туркистонли қардошларимизга” шеъри катта акс-садо берди. Шеърда, жумладан, мана бундай сатрлар бор эди:

*Илм-маърифат ҳам хунардин қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик балосига йўлиққон бизни халқ...
Ибрат олмайдур бошига шунча кулфат келса ҳам,
Мисли бир калтак йўқотган мубталодир бизни халқ...
Бошқа миллатлар солурлар ҳар маҳалда мадраса,
Онларинг аксига солгон чойхоналар бизни халқ.*

Уша кезлари Чўлпон Фитрат билан ҳам яқин муносабатда бўлди. Бошқа барча жадидлар сингари Бехбудийни ўзига устоз деб билди. Бехбудий хоинона қатл этилганини мусибат дея қабул қилди.

*“Белгисиз қабрининг қора тунларда
Амалининг шамин ёқиб изладим”,*
деган сатрлар билан бошланар эди унинг Бехбудийга бағишланган марсияси.

Мумтоз адабиётда марсиялар подшоҳларга, яқин қариндошларга бағишланган бўлса, жадид шеърини намоёндалари марсиянинг мазмунида ҳам, композициясида ҳам ўзгариш қилгани кузатилади. Чўлпон марсиялари Маҳмудхўжа Бехбудий, Исмоилбек Гафуровский, Горький, Абдулла Алавий, Мулланур Воҳидов каби ўша даврнинг машҳур адабий сиймоларига бағишланган ҳам ушбу фикри тасдиқлайди. Унинг марсиялари бу адабий жанр намуналарининг нафақат яқин дўстлар, қариндошлар ёки оила аъзолари, балки ҳаёт йўлини танлашида таъсир кўрсатган устозлар вафоти муносабати билан ҳам ёзилиши мумкинлигига ёрқин мисол бўла олади.

Бехбудийга марсия шoirнинг дастлаб “Булоқлар”, сўнгра “Яна олдим созимни” тўпламларида чоп этилган. Марсияда Бехбудийнинг пок хотира си улугланган. Шoir вафотидан қайтган Чўлпоннинг қабрини излагани, топиш иложсиз эканини билган, чуқур дард, чўнг изтироб туйганини мана бу тарада изҳор этди:

*Амалининг юлдузидиким кўз тикди
Қора, жирканч, ўлим қони — ерларга.
Савол бердим: “Йўқотганим қайда?” — деб
Узимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга.*

Бу мисралар Бехбудийнинг бевақт сирли ўлими Чўлпонга нақадар қаттиқ таъсир қилганини кўрсатади. “Қора, жирканч, ўлим қони — ерларда” қадрдон устозининг белгисиз қабрини, азиз изларини излаган

шoir йўқотгани қайда эканини сўрагани — мустабид тузум яловбардорлари Чўлпоннинг ўзини ҳам маҳв этиши тайин эканини сезади. Бироқ у ҳар қандай шароитда ўз олдига қўйган мақсадидан қайтмаслигини шеърли мисралар тағнатига маҳорат билан сингдириб юборади:

*Қўлиндаги тутам-тутам гулини
Қабринг топиб сочмоқ учун тиришди.
Гул ўрнига заҳар тилар муҳитда
Унинг қилган бу ишлари бўш ишди.*

Марсиядаги “Қўлиндаги тутам-тутам гулини қабринг топиб сочмоқ учун тиришди” сатрлари Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Чўлпон учун нечоғли қадрли сиймо эканига далил бўла олади. Академик Наим Қаримов Бехбудийнинг фожиали ўлими тўғрисидаги хабар 1921 йилнинг март ойида келгани ҳақидаги Ҳожи Муин хабари ишонарли эмаслигини таъкидлар экан, Фитрат, Чўлпон ва Садриддин Айнийнинг Бехбудий вафоти бағишланган шеърлари 1920 йилда ёзилганини бунга далил сифатида келтирди. Олимнинг фикрича: “Бехбудийнинг содiқ ёшлари ва издошлари устоз ҳалок этилганидан бир йил ўтгач, 1920 йилнинг апрель ойида бундан хабар топганлар. Улар шу вақтнинг ўзидаёқ Бехбудий ўлими сирларини билишни, унинг жасади қаерга дафн этилганини аниқлаш-ни шогирдлик бурчи деб билганлар”. Лекин Чўлпон таъбири билан айтганда, “Гул ўрнига заҳар тилар муҳитда” бунинг имкони топилмаган. Шунинг учун ҳам шoir қаламидан қалбидаги изтироб оҳанглари тўкилади:

*Мен-да ожиз у муҳитнинг олдида
Қабринг топиб, кўз ёшимни тўкмакка
Ҳамда аччиқ ҳиддатим-ла ул ерда
Оқ калланим қора девни сўзмакка.*

“Оқ калпалик қора дев” — мустабид тузумни Чўлпон шундай таърифлайди. У билан олишмоққа ожизлигидан афсус-надоматлар чекади. Ўзини Бехбудийнинг издоши деб санаган, унинг пок рўҳи олдидаги маъсулиятни теран ҳис этган Чўлпон устозига муносиб бўлишга шай эканини алоҳида уқтирди. Бамисоли устози каби шеърини осмонда юлдуз бўлиб, ярқираб тур сониш ҳақидаги орзуини қўйидагича талқин этади:

*Шунинг учун юлдуз каби ярқираб
Элда қолган исмин чизан тўрамен.
Шул исмин эслаб бизан йўлдан
Ироқ кетмай, қимирламай юрамен.*

“Азиз отам” сифатлаши ҳам Чўлпоннинг Бехбудийга бўлган ҳурмати қанчалар баланд бўлганини тасдиқлайди. Шодлик гули сўлиб, қўлида мотам гули тутган шoir кўнглидаги дард оғир, изтироблари чегара билмайди. Мана бу сатрлар ана шу туйғуларнинг бадиий ифодаси ўлароқ ижод этилганини пайқаш қийин эмас:

*Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг
Мотам гули эканини билмайсен.
Шодлик гули қўлдан бери сўлангин
Ер остида пок рўҳинг-ла сезмайсен.*

Гул аслида муҳаббат ва зўгулик тимсоли. Лекин жадид шеъринида гул, булбул каби мумтоз адабиётимиздаги аънавийнинг образлар янги ҳаёт касб этди. Улар ишқий мазмундан кўра кўпроқ ижтимоий-фалсафий маънода талқин этила бошлади. Қўлидаги гулларнинг “мотам гули” экани, “шодлик гули қўлдан бери сўлган”и тасвири замирида Чўлпон миллатнинг тараққий боғи ҳазонга айлангани жараёнини бутун мураккаблиги билан ифода қилганки, бундай талқин марсиядаги дард ва изтироб оҳангини кучайтиришга хизмат қилган.

Чўлпон 1913 йилдан Бехбудий муҳаррирлик қилган “Ойна” журналига мақола ва хабарлар жўнаатиб турган ва унинг ижодини кузатиб борган. “Падаркуш” драмаси ҳақидаги фикрларида ҳам буюк

замондошига бўлган эҳтироми ифодаси кузатилади: “Падаркуш” ёзилгандан кейин ёшларимизда катта бир рағбат ҳосил бўлди, ҳар шахарнинг сахналарида ўйналди. Тошканд, Самарқанд, Ҳўқанд каби марказларда икки-уч марта ба ҳам ўйналди. Ишта булар миллатнинг интибоҳига (сезгирик, хушёрлик) хайрли бир фолдир...”. “Икки йўқотиш” мақоласида Чўлпон “Маҳмудхўжа отамиз садаф донларининг имоми бўлиб кетдилар”, дея ўқинч билан таъкидлаб ўтган. Бехбудийнинг


фожиали ўлимидан нафақат Чўлпон, балки бутун Туркистон таъсирланган. Бу ҳақда 1920 йил Самарқандда чоп этилган “Меҳнатқашлар товуши” газетасидаги мақолада мана бундай фикрларни ўқиб мумкин: “Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистон деган ўлканинг бошлиғи эди. Маҳмудхўжа Туркистоннинг йўлбошчиси эди. Маҳмудхўжа ўзининг Туркистон боласи эканини тушунган бир йилгит эди. Шунинг учун у бизга, Туркистонга ҳар нарса эди... Маҳмудхўжа Туркистоннинг янгилиқ даври тарихига ёрғун бир чароғ эди. Маҳмудхўжанинг оти Туркистон тарихига зийнатлик мумтоз ўринни олишга муносиб бир зотдир”.

Марсия қўйидаги аламли сатрлар билан ниҳояланади:

*Ана, сочдим қалбимдаги гулларни,
Термак учун чақираман қўлларни...
Ушбу мисраларда Чўлпон ўзи сочган мотам гулларини, исён гулларини термак учун қўлларни чақираман экан, улар қалбида мустабид тузумга нисбатан нафрат, озодлик учун курашга интилиш учун пайдо бўлишдан умид қилади. Марсиянинг бундай яқини шoir мансуб жадид шеърининг моҳиятини ўзида зумжасам этгани жиҳатидан характерлидир. Ушбу шеър марсия жанрининг оригинал намунаси бўлиши баробарида шoirнинг маслаги, миллий озодлик йўлидаги сабот ва матонати бадиий талқин этилгани ҳамда жадидчилик гоғларини миллат ёшлари қалбига жойлашга хизмат қилгани жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.*

Хулоса қилиб айтганда, миллатнинг маърифий даражаси ва адабий-эстетик тафаккурини юксалтириш мақсадини ҳаётини аъмоли даражасига кўтарган Чўлпон бу йўлда Заки Валидий, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдурауф Фитрат каби устозлари ўғитиға қатъий амал қилди, улар йўлидан борди. Афсуски, Ватан ва миллат тақдирини кескин бўриши ясаган, мактаб-маориф ва матбуот ривожига катта таъсир кўрсатган, янги замон ўзбек адабиётининг тамал тошини қўйган жадидлар гоғларига шўроларнинг қатагон сиёсати сабабли барҳам берилди. Чўлпон буюк замондошлари Абдулла Қодирий ва Фитрат билан бирга шўролар қатағони қурбонига айланди.

Таскин шундаки, орадан юз йил ўтиб, юртимизда буюк маърифатпарвар жадидлар рўҳига муносиб эҳтиром кўрсатилаётёр. Пойтахтимиздаги Миллий боғда барпо этилган муҳташам Адиблар хиёбонида халқимизнинг буюк мутафаккирлари қатори Абдулҳамид Чўлпонга ҳам муносиб ёдгорлик ўрнатилгани бунинг ёрқин исботидир. Адиблар хиёбони Ватан ва миллатнинг нури истиқболи йўлида жонини фидо қилганлар ёди халқимиз қалбидан абадий ўчмаслигига яна бир ҳаётий далилдир.



Чўлпон 1913 йилдан Бехбудий муҳаррирлик қилган “Ойна” журналига мақола ва хабарлар жўнаатиб турган ва унинг ижодини кузатиб борган. “Падаркуш” драмаси ҳақидаги фикрларида ҳам буюк замондошига бўлган эҳтироми ифодаси кузатилади: “Падаркуш” ёзилгандан кейин ёшларимизда катта бир рағбат ҳосил бўлди, ҳар шахарнинг сахналарида ўйналди.

Саломатлик

ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ —

Кўп касалликларнинг олдини олади



Эгамберди ЭШБОЕВ,
Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология илмий-амалий тиббиёт маркази профессори, тиббиёт фанлари доктори, микробиолог

Ҳаво-томчи йўли орқали бемордан соғлом одамларга юқайтган коронавирус, мана, ярим йилдан бери инсониятни ларзага солмоқда. Аммо биз нафас олаётган қундалик ҳавода микроб ёки вирус борми ўзи? Ҳозирги вазиятда бундай маълумотлар фақат тиббиёт ходимларигагина эмас, балки бутун жамиятга ҳам керак, деб ўйлайман.

Микробиолог олимларнинг тадқиқотларидан маълумки, аслида микроорганизмларнинг кўпайиши учун биз нафас олаётган ҳаво ноқулай муҳит ҳисобланади. Чунки ҳавода уларнинг ривожланиши учун озиқ моддалар ва намлик микдори кам. Кўёш нури ўлдирувчи таъсир кўрсатади. Ҳаводаги микроорганизмларнинг яшовчанлигини сув, тутун, айниқса, чанг зарралари таъминлаб туради. Эътибор беринг, 1 грамм чангга бир миллионгагача бактерия бўлиши мумкин.

Ҳаво микробиотасини шартли равишда доимий, яъни тез-тез учрайдиган ва алмашиб турадиган бактерияларга бўлиш мумкин. Ҳавонинг доимий микробиотаси, асосан, тупроқдаги микробиотасининг ҳисобига шаклланади. Унда кўпроқ турли кокклар, спора ҳосил қилувчи бацциллар, актиномецидлар, замбуруғлар ва вируслар бўлади. Айрим микробиотасининг муайян даражадаги кўёш нурига чидамли ҳисобланади. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, бу бактериялар ҳатто ҳавода ҳам кўпай олади. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, асосан, тупроққа болғик, Шунинг учун энг кўп микроб атмосфера ҳавосининг ерга яқин қисмида учрайдди. Микроорганизмлар ҳавога сув ҳавзалари юзасидан, сув бўғидан тушиши мумкин. Атмосфера ҳавосидаги микробларга кўёш нури, ҳароратнинг ўзгариши, шамолнинг тезлиги, ёмғир, қор муайян даражада таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳаво микробиотаси ўта ўзгарувчан бўлиб, тез-тез алмашиб туради. Бундан ташқари, муайян ҳудудда атроф-муҳит одамлар томонидан ҳар хил органик чиқиндиллар билан ифлослантирилади, у ҳаво микробиотасининг кескин бўлишига олиб келади.

Ҳавода тупроқ, чанг зарралари қамаяси, ҳаво бирмунча тозаланади. Лекин бирор туман ёки шаҳарда тозалик, гигиенага эътибор берилмаса, ҳавода микроблар кўпаяверади. Табиат ёмғир, қор ёғдириш, шамол эсиши ёки кўёш нури билан доим ҳавонинг тозаланади. Аммо инсоннинг тиббий маданияти замон талабида шаклланмас экан, ҳавонинг ифлосланиши муайян юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳавонинг тозалик даражаси бир квадрат километрда яшаётган аҳолининг зичлигига ҳам болғик бўлади.

Кўплаб дарахтлардаги фитонцидлар бактерицид(ўлдирувчи) хусусиятга эга. Оқиб турган дарё сувлари ҳам микроблар учун яшаш муҳити эмас, аксинча, туриб қолган ва ифлосланган қўлмақ сувабо микроблари кўпайди.

Денгиз ва океан сувлари жуда шўр бўлгани учун ҳам унда микробларнинг кўпайишига шарт йўқ. Шу боис ҳам оқиб турган дарёлар, денгиз ва океан устидаги ҳаво жуда тоза ҳисобланади. Чунки бу ерда намлик кўп бўлишига қарамай, тупроқ, чанг ва органик

зарралар умуман учрамайди. Атмосфера ҳавосида микроорганизмлар, асосан, ёз ойларида учраб, ёпиқ бинолар ҳавосида эса бунинг акси бўлади. Лекин айтиш жоизки, вирусларнинг асосий қисми(гепатит, грипп вирусини) нам ва совуқ ҳавони яхши кўради. Шунинг учун ҳам грипп совуқ кунлари авж олади.

Одатда одамлар кўп тўпланадиган, яшайдиган ёпиқ биноларда, ҳатто шифохонада ҳаво микробиотаси ҳаво атмосферами микробиотасига нисбатан бир неча марта бойроқ бўлади. Шунингдек, патоген ва шартли-патоген микроорганизмлар ҳам бўлиши мумкин. Кейинги йиллардаги тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, айниқса, вируслар инсониятни ларзага солмоқда. Аммо биз нафас олаётган қундалик ҳавода микроб ёки вирус борми ўзи? Ҳозирги вазиятда бундай маълумотлар фақат тиббиёт ходимларигагина эмас, балки бутун жамиятга ҳам керак, деб ўйлайман.

Одам умри давомида тўхтовсиз нафас олади, шунинг учун ҳаво билан бирга, бурун бўшлиғига жуда кўп микроорганизмлар кирарди. Ҳатто бурун бўшлиғининг кириш қисмида доим учрайдиган шартли патоген микроблар бўлади. Шунга қарамай, бронхларнинг қуйи қисми ва ўпка алвеолари стерил ҳисобланади. Чунки бурун бўшлиғининг анатомик-физиологик хусусиятлари ҳисобига микроблар унинг кириш дарвозасида ушлаб қолинади ва шиллиқ қаватнинг микробларни ўлдириб (бактерицид) хусусияти ҳисобига улар бронх ва алвеоларга кириб бормайди. Аммо совқотиш, сурунлик равишда витаминлар етishмаслиги, нафас йўллари шикастланиши, иммун тизими сустайиши натижасида нафас йўлларидаги микроб ва вируслар ҳар хил касалликларнинг (ўткир катарал яллиғланиш, бронхит, зотилҷам) келиб чиқишига сабаб бўлади.

Одам йўталганида ёки аксирганида бурун ва оғиз бўшлиғидан миллионлаб микроорганизмлар азрозол кўринишида ҳаво-томчи йўли билан ҳавони ва атроф-муҳит предметидаги микробларни тарқатади. Лекин унутмаслигимиз керакики, одам организмидан учрайдиган микроорганизмларнинг витаминлар, минерал моддалар, овқат ҳам бўлиши, иммун тизимининг доимий равишда ишлаб туришида алоҳида ўрни бор. Ҳамма вируслар ҳам одам ёки ҳайвонлар учун зарарли эмас. Аммо атроф-муҳитнинг турли чиқиндилар билан ифлосланиши атмосфера ҳавосининг зарарланишига олиб келади. Одамларнинг қундалик, шахсий ва умумий гигиена қўнун-қоидаларини бажармаслиги, аниқроғи, тиббий маданиятнинг паст даражада бўлиши ҳаво-томчи йўли билан юқадиган касалликларга замин яратлади.

Одамлар микробларнинг ҳаво-томчи ва чанг орқали юқишидан ҳимояланиш ва унинг олдини олиш учун ҳар хил усуллардан фойдаланади. Дока ниқоблар, респираторлар, атроф-муҳитни зарарлантирувчи эритмаларни қўллаш, хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш, намлаб тозалаш, кўча ва ховлиларини озода туттиш лозим. Тиббиёт иншоотлари, жумладан, жаррохлик бокс-палатаси, бактериологик ва вирусологик лабораториялар ҳавоси бактерицид лампалар ёрдамида тозаланади.

Шу ўринда узоқ йиллик тажрибага эга шифокор сифатида мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Пойтахт Тошкент ва вилоятлардаги шаҳар ва туманлар марказида автомобиль ювиш шохбачалари бор. Бироқ одамлар ювинадиган ҳаммомларни деярли учратмаймиз. Ахир болаларнинг ҳар 2-3 кунда, ўспиринларнинг 2-3 ҳафтада териси янгиланади. Эски тери билан миллионлаб микроблар атрофга тарқалади. Ванна, душ ҳеч қачон ҳаммомнинг ўрнини боса олмайди. Шу боис, ҳаммомлар фаолиятини йўлга қўйиш керак. Бу одамларнинг тиббий маданиятини ошириш билан бирга, қўпгина юқумли касалликларнинг ҳам олдини олади.